Эй амаки, «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ) деб айтинг, бу калимани Аллоҳ азза ва жалланинг ҳузурида сиз учун ҳужжат қилай

Саид ибн Мусайяб отасидан ривоят қилиб айтади: Абу Толиб вафот этар вақтида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг ҳузурига кирдилар. Унинг олдида Абу Жаҳл ва Абдуллоҳ ибн Абу Умайя бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй амаки, «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ) деб айтинг, бу калимани Аллоҳ азза ва жалланинг ҳузурида сиз учун ҳужжат қилай» — дедилар. Абу Жаҳл ва Абдуллоҳ ибн Абу Умайя: «Эй Абу Толиб, Абдулмутталибнинг миллатидан воз кечасанми?!» — дедилар. У иккиси гапиравердирлар, гапиравердилар ва охири Абу Толиб уларга: «Мен Абдулмутталибнинг миллатидаман» — деди. «Ла илаҳа Иллаллоҳ», дейишдан бош тортди. Шундай бўлсада, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Модомики, мен қайтарилмас эканман, сиз учун истиғфор айтаман» — дедилар. Шунда Аллоҳ Абу Толиб хақида: «Пайғамбар ва иймон келтирганларнинг, жаҳаннам аҳлидан эканлиги маълум бўлганидан сўнг қариндошлари бўлсада, мушриклар учун истиғфор айтишлари мумкин эмасдир» (Тавба:113) оятини нозил қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга шундай деб марҳамат қилди: «Сиз яхши кўрган одамларингизни тўғри йўлга йўллай олмайсиз. Лекин Аллоҳ кимни хоҳласа, ўшани ҳидоят қилур». (Қасос: 56).

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам амакилари Абу Толиб ўлар вақтида унинг ҳузурига кирдилар ва унга: «Эй амаки, «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ) деб атинг, бу калимани Аллоҳ азза ва жалланинг ҳузурида сиз учун ҳужжат қилай» — дедилар. Абу Жаҳл ва Абдуллоҳ ибн Абу Умайя: «Эй Абу Толиб, отанг Абдулмутталибнинг миллатидан воз кечасанми?!» — дедилар. У ҳам бўлса санамларга сиғиниш эди. У иккиси гапиравердирлар, гапиравердилар ва охири Абу Толиб уларга: «Мен Абдулмутталибнинг миллатидаман, ширк ва санамларга ибодат қилиш миллатида» — деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Раббим мени қайтармагунча сизнинг ҳаққингизга истиғфор айтаман», – дедилар. Шунда Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти нозил бўлди. «Пайғамбар ва иймон келтирганларнинг, жаҳаннам аҳлидан эканлиги маълум бўлганидан сўнг қариндошлари бўлсада, мушриклар учун истиғфор айтишлари мумкин эмасдир». [Тавба: 113] Абу Толиб хақида эса Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти нозил бўлди: «Сиз яхши кўрган одамларингизни тўғри йўлга йўллай олмайсиз. Лекин Аллоҳ кимни хоҳласа, ўшани ҳидоят қилур. У ҳидоятга юрувчиларни яхши билгувчи Зотдир» [Қасос: 56]. Сиз ҳидоят топишини хоҳлаган инсонларингизни ҳидоят қила олмайсиз, сиздан етказишлик, холос. Аллоҳ хоҳлаганини хидоят қилур.